


2020/1 CON



"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"
ИЛМИЙ ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИ

"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"
НАУЧНО-ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

"LOGISTICS AND ECONOMY"
SCIENTIFIC-ELECTRONIC JOURNAL

WWW.ECONOMYJOURNAL.UZ

МУНДАРИЖА

Nazarov A.A., Abdullaev B.I. Abjalov A.M.	Loss of passenger time as a result of unreasonable delays in public transport	3
Абдибаева Т.Х.	Узоқ муддатли активларни сотиб олишда қўшилган қиймат солиғини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш масалалари	10
Дусмуратов Р.Д. Ризаев Н.К	Аграр соҳада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: назария ва амалиёт	15
Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Жумаева А.Н.	Рақамли иқтисодиёт – иқтисодий ўсишнинг истиқболли омили сифатида	25
Исаев Ф.И., Эргашев Ш.Т.	Ўзбекистон Республикасида транспорт соҳасини ривожлантириш истиқболлари	31
Калонов М.Б.	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандартларга мослаштириш масалалари	37
Курбанов З.Н.	Солиқ аудитининг назарий масалалари	47
Ниязметов И.М.	Даромадларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг стратегик жиҳатлари	54
Остонокулов А., Умарова З.	Бюджет ташкилотларида харажатлар ҳисобининг хусусиятлари	62
Ризаев Н., Исматхўжаева И.	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида банкларида ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш	70
Урмонов Ж.Ж. Файзиев Ф.А.	Маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш масалалари	80
Ҳотамов К.Р.	Ҳам таълим самарадорлигини оширайлик, ҳам иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшайлик	90
Юсупов С.Ш.	Тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси	97



ДАРОМАДЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЖИҲАТЛАРИ

и.ф.д. Ниязметов И.М.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда даромадларни солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш сабаблари, амалдаги муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари баён қилинган. Хусусан, илмий адабиётларни шарҳлаш асосида даромадларни солиққа тортишнинг концептуал асослари тадқиқ этилган, мамлакатда ушбу солиқ механизмнинг сўнгги йиллардаги ҳолати ва ислохотлардан кейинги муаммоли жиҳатлари очиб берилган ҳамда такомиллаштиришнинг стратегик йўналишлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: даромад солиғи, солиққа тортиш механизми, солиқ тизими, махсус солиқ режими, норасмий бандлик, яширин иқтисодиёт, декларациялаш.

STRATEGIC ASPECTS OF IMPROVING TAXATION OF INCOME

Doctor of Economics Niyazmetov I.M.

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract: This article reveals the reasons for reforming the taxation system of incomes in Uzbekistan, current problems and ways of their solution. In particular, the article explores the conceptual framework of income taxation based on a review of domestic literature. In addition, the article analyzes the state of the mechanism of this taxation in our country in recent years, the problematic aspects of this reform process, as well as strategic ways to improve them.

Key words: income tax, taxation mechanism, tax system, tax regime, informal employment, declaring

1. Кириш.

Ҳар қандай давлат ўз ҳудудида солиқ тизимини мустақил шакллантиради. Бунда солиқ сиёсатида кўзда тутилиши мумкин бўлган бир қанча мақсадлар, хусусан, фискал, иқтисодий, ижтимоий, экологик, назорат ва халқаро мақсадларнинг барчаси ёки улардан бир қисми солиқ тизимига сингдирилиши мумкин. Солиқларнинг нисбатини бошқариш, қайси турдаги солиқларга устунлик бериш, солиқ категориясининг қандай функцияларидан кўпроқ фойдаланиш давлатнинг олиб бораётган макроиқтисодий, шунингдек ижтимоий сиёсати хусусиятларига боғлиқ.

Солиқлар ичида энг серқирралиси даромад солиғи бўлиб, ушбу солиқ механизми орқали давлат солиқ сиёсатининг фискал, иқтисодий, ижтимоий, назорат ва халқаро мақсадларига бир вақтнинг ўзида эришиши мумкин. Даромад солиғи, агар унинг механизми тўғри шакллантирилган бўлса, солиқ категориясининг фискал, қайта тақсимлаш, тартибга солиш ва бошқа функцияларини параллел бажариш қобилиятига эга. Энг асосийси, даромад солиғи солиққа тортишнинг адолат принципини таъминлашда бошқа солиқ турларидан кўра кўпроқ қўл келади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Даромад солиғи назарияси жуда бой бўлиб, даромадларни солиққа тортишни такомиллаштириш борасида илмий адабиётларда жуда кўп ва ранг-баранг қарашларни учратиш мумкин. Хусусан, Адам Смит (1962) солиқ солиш нуқтаи назаридан даромадларни икки тоифага, яъни капиталдан олинadиган даромадлар ва меҳнат ҳақи

тарзидаги даромадларга ажратган. Смитнинг фикрича, меҳнатга солиқ солиш рентани солиққа тортишдан фарқланиши лозим. Демак, бугунги кунда халқаро амалиётда, шу жумладан Ўзбекистонда иш ҳақи тарзидаги даромадлар ва мулкӣ даромадларга солиқ солишда турлича ёндашув ғояси Адам Смитга бориб тақалади.

Смитнинг даромадларни солиққа тортиш борасидаги асосий ғояларидан яна бири, бу – адолатдир. Олимнинг тенглик (адолат) принципига кўра, ҳар бир шахс давлат паноҳида топган даромадларига ва ўз тўлов қобилиятига мутаносиб солиқ тўлаши керак. Мазкур принципнинг моҳияти шундаки, солиқ тўловчилар, биринчидан, давлат томонидан яратилган ижтимоий неъматларни истеъмол қилгани ҳолда қўлга киритган бойлигига мутаносиб ҳақ тўлаши керак, иккинчидан, солиққа тортишда тўловчиларнинг тўлов қобилияти ҳам ҳисобга олиниши керак. Мазкур принцип у ишлаб чиқилган даврда ҳам, ҳозир ҳам жуда кўп муҳокама қилинадиган, давлат миқёсида ҳам, алоҳида ижтимоий гуруҳлар (қатламлар) доирасида ҳам қаттиқ баҳс-мунозараларни келтириб чиқарадиган чуқур фалсафий маъноли принцип ҳисобланади. Чунки, солиққа тортишдаги адолат нисбий тушунча бўлиб, олинаётган солиқ бир томон учун адолатли кўринса, бошқа томон учун у адолатсиз бўлиб туюлиши мумкин.

Классик мактабнинг яна бир ёрқин намоёндаси Жан Батист Сэй ҳам, ўз навбатида, даромадни солиққа тортишнинг маълум бир чегараси бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтган (Пушкарева, 2003). Дарҳақиқат, солиқ тўловчилар даромадлари ёки мол-мулкнинг маълум бир оғриқсиз даражасини солиққа тортиш лозим. Акс ҳолда, улар ё солиқ объектларини (базаларини) яширадилар ёки норозилик билдирадилар. Ахир солиқ тўловчи, айниқса тадбиркорлик субъекти, фақат давлатга солиқ тўлаш учунгина фаолият кўрсатмайдику!

Даромадларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг назарий концептуал асослари шаклланиши ва ривожланишида немис олими Адольф Вагнернинг қарашлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. У солиққа тортиш манбасининг тўғри танланиши, яъни солиқ фақат айрим шахслар даромадлари ё капиталига тушиши керакми ёки аҳолининг барча қатламлари солиққа тортилиши лозимми, деган масаланинг ҳал қилинишини кун тартибига қўяди (Рамазонова, 2014).

Даромадларни прогрессив механизм асосида солиққа тортишнинг назарий асослари шаклланишида маржинализм мактаби вакиллари (К.Менгер, Ф.Визер, И.Тюнен, А.Курно ва бошқалар) роли катта (Акинин, 2008). Кўринадик, уларнинг бу қарашлари даромадларни солиққа тортишдаги вертикал адолат принципнинг шаклланишига асос бўлган.

Ж.Сейнинг қарашларини мантиқий давом эттирган ҳолда Артур Лаффер даромадларни солиққа тортиш даражаси ва бюджетга тушумлар ўртасидаги миқдорий боғлиқликни илмий асослаган ҳолда шуни хулоса қилиб айтадики, солиқ тушумларини фақат солиқ ставкаси оширилганда эмас, балки солиқ юки мақбул даражагача пасайтирилганда ҳам ошириб бориш мумкин. Унинг фикрича, даромадга солиқ юки қанчалик оғир бўлса, бу тўловчиларни шунчалик кучли солиқдан қочишга ундайди. Инсонлар фақат солиқ тўлаш мақсадида меҳнат қилмайди. Агар тадбиркор фойда олиш имкониятларини кўра олмаса ёки бозор юқори солиқлар босими билан тўқнаш келса, у ҳолда иқтисодий фаоллик ўлади ва тадбиркорни ишлаб чиқаришга жалб қилиш бекор ҳаракатдан бошқа нарса бўлмайди (Черника, 1996).

А.Лаффер, солиқ юкининг мақбул даражаси, Ж.Кейнс томонидан таклиф қилинган 20 фоиз билан собиқ француз президенти В.Жискар Д'Эстен таклиф қилган 40 фоизли ставка ўртасида жойлашган, деб ҳисоблайди. Ушбу масалага батафсилроқ тўхталиб, у даромадларни солиққа тортишнинг оптимал ставкаси сифатида 30 фоизли ставкани илгари суради. Шунга ўхшаган фикрларни даромадларни солиққа тортишни эркинлаштириш тарафдорларидан бўлган М.Фельдстейн, АҚШ солиқ ислохотлари лойиҳаларининг муаллифлари Бредли ва Грефардлар (30-35 фоиз) ҳамда машҳур олим М.Фридман (25 фоизгача) ҳам келтиришган (Майбурова ва Иванова, 2010).

Даромадларни солиққа тортиш адолат асосида амалга оширилиши борасида С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар (1997) ҳам тўхталиб, солиққа тортишнинг горизонтал ва вертикал адолатлилиги, солиқ тўлашдаги тенглик, тўловга қобилликнинг инobatга олиниши ва тўланган солиққа яраша манфаат кўрилиши каби солиққа оид принципларни илгари сурганлар. Горизонтал адолат солиққа тортишдаги тенглик ва умумийликни талаб қилади. Яъни, солиқни жамиятнинг барча аъзолари тўлаши керак ва бир хил даромадга бир хил солиқ солиниши зарур. Вертикал адолат эса жамиятнинг

кўп бойликка ёки юқори молиявий имкониятга эга субъектларини кўпроқ солиққа тортиш ва аксинча, ночор ёки солиқ тўлаш имконияти чекланган фуқароларга кам солиқ солишни назарда тутати. Бу Европа Иттифоқи Комиссияси томонидан илгари сурилган ҳар қандай солиқ тизимида амал қилиниши лозим бўлган "тўловга қобиллик" принципи билан уйғунлашиб кетади (General Tax Principles, 2004). Бу принципга кўра даромадга солиқ юки тўловчиларнинг тўлов қобилиятига қараб тақсимланиши керак. Мазкур принцип асосан фуқароларга нисбатан қўлланилади.

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда даромадларни солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш сабаблари ва амалдаги муаммолари

Адабиётлар шарҳидан маълум бўлдики, даромадларни солиққа тортишдаги адолатнинг икки ўқи мавжуд, яъни горизонтал адолат ва вертикал адолат. Горизонтал адолатга кўра бир хил даромадга бир хил солиқ солиниши зарур. Вертикал адолатда эса юқори даромадга (бойликка) юқорироқ солиқ солиниши назарда тутилади. Демак, давлат ўз солиқ тизимини шакллантиришда солиққа тортишнинг ижтимоий адолат принциплари таъминланадиган механизмларини ишлаб чиқиши зарур. Булар одатда солиққа тортишнинг прогрессив механизмлари, акцизлар ва ижтимоий солиқ имтиёзларидир. Бундай механизмлар солиққа тортишдаги вертикал адолатни таъминлаш учун керак. Горизонтал адолат учун эса солиқ тизимининг умумийлиги кифоя. Минг афсуски, Ўзбекистонда солиққа тортишнинг ҳар иккала адолат ўқи ҳам издан чиққанлигини таъкидлашга тўғри келади. Даромадларни солиққа тортишдаги горизонтал адолат принципнинг бузилишига асосий сабаб – мамлакат аҳолиси жуда катта қисмининг даромад солиғига жалб қилинмаганлигидир.

2019 йилда амалга оширилган солиқ ислохотларига қадар иқтисодий фаол аҳоли катта қисмининг солиқ тўламаслиги сабабларини учта йирик гуруҳга ажратиш мумкин эди:

- айрим тоифа фуқароларнинг ижтимоий асосланмаган ҳолда солиқ мажбуриятдан озод этилганлиги;
- жисмоний шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан деҳқон хўжаликларига имтиёзли солиқ режимларининг ўрнатилганлиги;
- норасмий бандлик (яширин иқтисодиёт).

Фуқаролар айрим тоифаларининг ижтимоий асосланмаган ҳолда солиқ мажбуриятдан озод этилганлиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, 2019 йилга қадар ҳарбийлаштирилган давлат органлари, суд тизими ва прокуратура ходимлари, шунингдек, акциядорлик жамиятлари чет эллик ходимларининг бошқарув ходими сифатида ўз фаолиятдан олган даромадлари даромад солиғидан тўлиқ озод этилган эди.

Бундан ташқари, 2020 йилга қадар юридик шахсларда ёлланиб ишламайдиган, яъни мустақил банд жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун имтиёзли солиқ режимлари ўрнатилган эди. Улар сирасига концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, хунармандчилик билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (шу жумладан, уларнинг ишчилари) ва жисмоний шахс мақомидаги деҳқон хўжаликлари аъзоларини киритиш мумкин. Бу тоифадаги жисмоний шахслар ҳам даромад солиғи ёки қатъий белгиланган солиқ тўлаш мажбуриятига эга эмас эди.


Бироқ, бундай имтиёзлар солиққа тортишнинг ижтимоий адолат принципига мос эмаслиги, дискриминацион характерга эга эканлиги, бир вақтнинг ўзида ҳам горизонтал, ҳам вертикал адолат принципига путур етказиши биз томонимиздан асослаб берилди¹ ва 2019-2020 йилларда уларнинг аксарияти бекор қилинди (Ниязметов, 2017).

Иқтисодий фаол аҳоли катта қисми солиққа жалб қилинмаганлигининг учинчи сабаби, бу – норасмий бандликдир. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида Ўзбекистонда меҳнатга солиқ юки 2019 йилда кескин камайтирилди. Хусусан, даромад солиғининг 0 дан 22,5 фоизгача бўлган прогрессив ставкалари ўрнига 12 фоизли

¹ 2007-2016 йиллар мобайнида олиб борган илмий тадқиқотларимиз асосида ишлаб чиқилган таклифларимиз Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳаларида фойдаланилган ва амалиётга татбиқ қилинган.

пропорционал ставкаси жорий этилди. Иш ҳақи фондига нисбатан ундириладиган ягона ижтимоий тўлов (2020 йилдан ижтимоий солиқ) ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга туширилди. Ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақидан пенсия жамғармасига ушланадиган 8 фоизлик суғурта бадали олиб ташланди. Натижада меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ умумий солиқ юки ўртача 1,4 баробарга камайди. Бироқ, бу ўзгаришлар Ўзбекистонда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш билан боғлиқ муаммоларнинг тўлиқ бартараф этилишини таъминламади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда даромад солиғига (шу жумладан, махсус режимда ундириладиган қатъий белгиланган солиққа) жалб қилинган жисмоний шахслар умумий сонининг иқтисодиётда банд аҳоли сонига нисбати ислохотлардан олдинги 5 йил (2013-2017 йиллар) мобайнида ўртача 30 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 32,7 фоизни, 2019 йилда эса 37,5 фоизни ташкил қилган (1-расмга қаранг). Ўртача олганда, бу рақамлар иқтисодиётда банд аҳолининг 2/3 қисми ҳар хил сабабларга кўра даромад солиғига тортилмай келаётганлигидан далолат беради.



1-расм. Иқтисодиётда банд аҳоли ва даромад солиғига жалб қилинган фуқаролар сонининг қиёсий таҳлили, минг киши²

1-расмдаги маълумотлардан кўринадики, иқтисодиётда банд аҳоли 2013 йилда 12,5 млн кишини ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб уларнинг сони 13,5 млн кишига етган. Даромад солиғига жалб қилинган фуқаролар сони эса 2013 йилдаги 3,5 млн кишидан 2019 йилда 5,1 млн кишига етган. Бундан кўринадики, бугунги кунда Ўзбекистонда 8,5 млн иқтисодий банд аҳоли даромад солиғига жалб қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги расмий сайтида акс этган маълумотларга кўра, 2019 йилда илк бор расмий секторда банд аҳоли сони 2018 йилга нисбатан 3,7 фоизга кўпайиб, 5,7 млн кишини ташкил қилган [9]. Демак, расмий банд 5,7 млн аҳоли билан солиққа жалб қилинган 5,1 млн аҳоли ўртасидаги тафовут (0,6 млн киши) солиқ мажбуриятига эга бўлмасдан иш билан банд қилинган фуқаролар ҳиссасига тўғри келади.

2018 йилда солиқ маъмурчилиги тизимида амалга оширилган қатор ислохотлар даромад солиғи тўловчилар салмоғининг шу йили 32,7 фоиз бўлишини таъминлаган бўлса, меҳнатга солиқ юкининг камайтирилиши ҳамда ҳарбийлаштирилган давлат органлари, суд тизими ва прокуратура ходимлари учун даромад солиғидан имтиёзнинг бекор қилиниши натижаси ўлароқ, бу кўрсаткич 2019 йилда 37,5 фоизга чикди. Лекин, барибир солиққа жалб қилинмаган иқтисодий фаол аҳоли салмоғи, кўриб турганимиздек, 60 фоиздан юқориликка қолмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқоридаги таҳлилдан иккита хулоса чиқариш мумкин: салбий ва ижобий.


Салбий хулоса шундаки, даромад солиғи бўйича амалга оширилган ислоҳот ушбу солиқ механизмининг такомиллашувига хизмат қилмади. Аксинча, прогрессив механизмдан воз кечилиши мамлакат солиқ тизимининг ижтимоий йўналтирилганлигини қарийб йўққа чиқарди ва даромадларни солиққа тортишнинг Ўзбекистон амалиётини халқаро амалиётдан янада йироқлашувига олиб келди. Бошқача айтганда, мамлакатимизда даромадларни солиққа тортишнинг вертикал адолат принциpidан тўлиқ воз кечилди. Айни пайтда, даромад солиғи механизмидаги бу ўзгаришлар горизонтал адолатни таъминлаш учун ҳам етарли бўлмади. Чунки, юқорида кўрганимиздек, меҳнатга солиқ юки кескин камайтирилишига қарамасдан иқтисодиётда норасмий бандлик даражаси сезиларли даражада қисқармади.

Ижобий хулоса эса Ўзбекистонда даромад солиғининг фискал аҳамиятини ошириб бориш имкониятлари катта эканлигидадир. Чунки, иқтисодиётда банд аҳолининг 2/3 қисми ҳанузгача даромад солиғига жалб қилинмаганлиги, ушбу солиқ механизмини такомиллаштириш ҳисобига, солиқ тушумларини барқарор ошириб бориш ва шу орқали солиқ юкини янада камайтириш имконини беради. Бунда эса даромадларни умумдекларациялаш асосида солиққа тортиш механизми энг самарали инструмент ҳисобланади. Мазкур механизм Ўзбекистонда норасмий иқтисодиётни солиққа жалб қилиш ва шу орқали солиқ юкини, хусусан, истеъмолга солиқлар юкини камайтиришда жуда муҳим рол ўйнайди.

Тадқиқотлар ва кузатувлар кўрсатишича, Ўзбекистонда айрим фаолият турларидан расмий даромад олиш қонуний тартибга солинмаган ёки солиқ назоратига олинмаган. Агар жамият ҳаётидаги фаолият турларига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг кўпчилиги норасмий амалга оширилаётганини кузатишимиз мумкин. Масалан, қурилиш (айниқса яқка тартибда фуқаролар томонидан амалга ошириладиганлари), уй жиҳозларини таъмирлаш, уй-жой олди-сотдисидида воситачилик, репититорлик, тикувчилик, киракашлик, шахсий хонадонларда хизмат қилиш ва шуларга ўхшаган ишларнинг аксарияти солиқ назоратидан четда қолмоқда. Бунинг сабаби, кўрсатиб ўтилган ва бошқа майда фаолият турлари билан расмий (қонуний) шуғулланиш ва солиқ тўлаш тартиб-таомили мураккаблиги ёки айрим фаолият турларининг мавсумийлигидадир.

Бундай назоратсиз фаолиятлар иқтисодиётнинг қонун билан чекланмаган ва ҳатто яширилмаган қисми бўлиб, уни расмий иқтисодиётга ўгириш осон кечади. Бунинг учун фақатгина даромадларни солиққа тортишнинг қайишқоқ (мўрт бўлмаган) механизмини ишга тушириш кифоя. Бу – даромадларни умумдекларациялаш асосида солиққа тортиш механизмидир. Дунёнинг аксарият мамлакатларида ушбу механизмдан самарали фойдаланиб келинаётган бўлсада, Ўзбекистонда уни ишга тушириш номаълум сабабларга кўра пайсалга солиб келинмоқда. Ҳатто, 2020 йилдан амалга киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексида ҳам бу механизм ўз аксини топмади (Кодекс, 2019).

Даромадларни умумдекларациялаш асосида солиққа тортиш механизми тўлақонли ишлаши учун аввало “солиққа тортилмайдиган энг кам даромад” категорияси ишлаб чиқилиши даркор. Бу категория эса “истеъмол савати” асосида ишлаб чиқиладиган “яшаш минимуми” категориясига асосланади (2-расмга қаранг).




2-расм. Истеъмол савати, яшаш минимуми, минимал иш ҳақи миқдори ва солиққа тортилмайдиган энг кам даромад категориялари³

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг барчасида ва ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам аксарият кўпчилигида юқорида санаб ўтилган категориялар ушбу давлатларда олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг муҳим элементлари ҳисобланади.

“Яшаш минимуми” ёки бошқача айтганда кун кечириш учун зарур энг кам даромад миқдори айнан қамбағаллик чегарасини ўзида ифодалайди. Яъни, инсон ёки оила яшаш минимуми миқдоридан кам даромадга эга бўлса, бундай киши (оила) қамбағал ҳисобланади. Бироқ, қамбағаллик чегараси нисбий тушунча бўлиб, у турли мамлакатда турлича белгиланади.

Яшаш минимумига тенг ёки шунга яқинлаштирилган ҳажмдаги солиққа тортилмайдиган минимум фуқаролар даромадларини декларация асосида солиққа тортиш механизмининг муҳим элементи ва стандарт ижтимоий чегирма сифатида қабул қилиниши керак. Яъни, мазкур чегирма ҳар қандай фуқарога, уларнинг қандай фаолият тури билан шуғулланиши ёки қайси турдаги даромадларни олишидан қатъи назар тақдим этилиши керак. Бошқача айтганда, стандарт ижтимоий чегирма қамбағаллик чегараси сифатида даромадларнинг солиққа тортилмайдиган ҳудуди деб қабул қилиниши лозим (3-расмга қаранг).



3-расм. Даромадларни солиққа тортишда қамбағаллик чегараси ва юқори даромадлилик ҳудудини белгилаш⁴

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кишининг даромади шу ҳудуд доирасида бўлса, у автоматик равишда даромад солиғидан озод бўлади. Бу механизм даромад солиғидан асосланмаган барча ижтимоий имтиёзларни бекор қилиб, солиққа тортишдаги адолатни тиклаш имкониятини юзага келтиради. Бунда, ногиронлиги бор шахслар, кўп болали ёлғиз оналар ва шу каби ижтимоий ҳимояга ҳақиқатда муҳтож фуқаролар стандарт ижтимоий чегирмадан ташқари қўшимча ижтимоий чегирмаларга эга бўлиши кўзда тутилади. Турли орденлар билан тақдирланган шахслар ва шу каби фуқароларни ижтимоий рағбатлантириш эса солиқ имтиёзи орқали эмас, балки бюджет механизми орқали амалга оширилгани самаралироқ, деб ўйлаймиз.

Хулоса ва таклифлар.

1. Юқорида кўриб чиқилган назарий асослардан хулоса қиладиган бўлсак, даромадларни солиққа тортиш иккита принцип, яъни горизонтал ва вертикал принцип асосида амалга оширилиши лозим. Горизонтал адолатга кура, солиқ тўловчилар бир хил иқтисодий шароитда (имкониятда) бир хил миқдорда солиқ тўлашлари керак. Вертикал адолат принципи эса даромадларни прогрессив механизм асосида солиққа тортишни назарда тутди.

2. Ўзбекистонда амалга оширилган сўнгги солиқ ислохотлари даромад солиғи механизмнинг такомиллашувига хизмат қилмади. Аксинча, прогрессив механизмдан воз кечилиши мамлакат солиқ тизимининг ижтимоий йўналтирилганлигини қарийб йўққа чиқарди ва даромадларни солиққа тортишнинг Ўзбекистон амалиётини халқаро амалиётдан янада йироқлашувига олиб келди. Мамлакатда даромадларни солиққа тортишнинг вертикал адолат принциpidан воз кечилди.

3. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда даромад солиғининг юки 2019 йил ҳолатига иқтисодиётда банд аҳолининг 37,5 фоизлик қисмига тушган. Бу кўрсаткич солиқ ислохотларидан олдинги 5-6 йил мобайнида ўртача 30 фоизни ташкил қилиб келган. Бошқача айтганда, мамлакат иқтисодиётида банд аҳолининг 2/3 қисми ҳар хил сабабларга кўра даромад солиғига жалб қилинмаган. Бу сабабларнинг энг асосийси эса норасмий бандликдир. Бундан кўринадики, Ўзбекистонда солиққа тортишнинг горизонтал адолат принципи ҳам таъминланмаган.

4. Шу билан бирга, Ўзбекистонда даромад солиғининг фискал аҳамиятини ошириб бориш имкониятлари катта эканлигини таъкидлаш жоиз. Чунки, иқтисодиётда банд аҳолининг 2/3 қисми даромад солиғига жалб қилинмаганлиги, ушбу солиқ механизмни такомиллаштириш ҳисобига, солиқ тушумларини барқарор ошириб бориш ва шу орқали солиқ юкини янада камайтириш имконини беради. Бунда эса даромадларни умумдекларациялаш асосида солиққа тортиш механизми энг самарали инструмент ҳисобланади.

5. Даромадларни декларациялаш асосида солиққа тортиш тизимининг муҳим элементларидан бири прогрессив механизмдир. Бироқ, бунда солиқнинг самарали ставкаси, яъни даромадга тушадиган солиқнинг юки 30 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Шу билан бирга, даромаднинг солиққа тортилмайдиган минимал даражаси ўрнатилиши прогрессив механизмнинг асосий элементларидан ҳисобланади. Демак, даромадларни декларациялаш асосида солиққа тортиш механизми тўлақонли ишлаши ҳамда солиққа тортишдаги вертикал адолат таъминланиши учун «истеъмол савати» асосида ишлаб чиқилмайдиган «яшаш минимуми» категориясига асосланган «солиққа тортилмайдиган минимал даромад» миқдори ўрнатилиши лозим.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Акинин П.В. и др. (2008) Налоги и налогообложение: Учеб. пособие. – М.: Эксмо, – С. 23. (Akinin P.V. et al. Taxes and taxation: Educational aid. - М.: Эксмо, 2008. – P. 23.)

Кодекс (2019) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири) / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019й., 03/19/599/4255-сон. (Tax Code of the Republic of Uzbekistan (new wording) / National database of the legislative acts, N 03/19/599/4255.)

Майбурова И.А., Иванова Ю.Б. (2010) Налоговые реформы. Теория и практика: монография /под ред.– М.: ЮНИТИ-ДАНА. – С. 30. (Tax reforms. Theory and Practice: Monograph/ Edited I.A. Maiburova, Yu.B. Ivanova. - М.: UNITY-DANA, 2010. – P. 30)

Ниязметов И.М. (2017) Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. – Т.: Молия. 195 б.

Пушкарёва В.М. (2003) История мировой и русской финансовой науки и политики. – М.: Финансы и статистика. – С. 150. (Pushkareva V.M. History of world and Russian financial science and politics. - M.: Finance and statistics, 2003. – P. 150.)

Рамазанова Б.К. (2014) Истоки принципов налогообложения и их значение в современных условиях // Теория и практика общественного развития, №2. – С. 399-401. (Ramazanova B.K. The origins of the principles of taxation and their importance in modern conditions // Theory and practice of social development, 2014. №2. – P. 399-401.)

Смит А. (1962) Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, С. 408. (Smith A. Research on the nature and causes of the wealth of peoples. - M.: Sotsekgiz, 1962. – P. 408.)

Черника Д.Г. (1996) Налоги: Учеб. пособие / Под ред. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, – С. 77. (Taxes: Educational aid / Edited by D.G. Chernika - 2nd ed., Revised.- M.: Finance and statistics, 1996. – P. 77.)

Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. (1997) Экономика: Пер. с англ. со 2-го изд. – М.: Дело, С. 380-381. (Fisher S., Dornbusch R., Shmalenzi R. Economics: Transl. from English from the 2nd edition. - M.: Delo, 1997. – P. 380-381.)

General Tax Principles / European Commission Directorate – General Taxation and Customs Union. Working Document, 23 November 2004.

<https://mehnat.uz/uz/news/2019-yilda-uzbekistonning-ishsizlik-darazhasi-qancha> (04.02.2020 й.)